

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
 МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ
 РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ
 ХУЗУРИДАГИ СОЛИҚ, ВАЛЮТАГА ОИД ЖИНОЯТЛАРГА ВА
 ЖИНОИЙ ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ҚАРШИ
 КУРАШИШ ДЕПАРТАМЕНТИНИНГ
 ҚАРОРИ

186 «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил
 18 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2257-1*

Ўзбекистон Республикасининг «Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги ПҚ-331-сон «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2011 йил 8 августдаги 01/19-18/04, 27-сонли «Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2257, 2011 йил 24 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011й., 34-35-сон, 357-модда) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Хусусийлаштириш, монополиядан
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитаси раиси**

А. АБДУҲАКИМОВ

Тошкент ш.,
2014 йил 18 март,
01/27-26/10-сон

**Бош прокуратура ҳузуридаги
Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни
легаллаштиришга қарши курашиш
департаменти бошлиғи в. б.**

Б. ЗИЛЯЕВ

Тошкент ш.,
2014 йил 18 март,
8-сон

Ўзбекистон Республикасининг
Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш
ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси
ва Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга
ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаментининг 2014 йил
18 мартдаги 01/27-26/10 ва 8-сон қарорига
ИЛОВА

**«Риэлторлик ташкилотлари учун жиноий фаолиятдан
олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни
молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Қарор муқаддимасидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Қоидаларда:

а) 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга

ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқ-аро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатлар — Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чораларни ишлаб чиқиш гуруҳининг (ФАТФ) расмий баёнотларида халқаро молиявий тизимга хавф туғдирувчи ҳамда жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тизимларида стратегик камчиликлари мавжуд деб белгиланган давлатлар ва худудлар;»;

тўртинчи — ўнинчи хатбошилар тегишлича бешинчи — ўн биринчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги ўн биринчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**таваккалчилик** — мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга ошириш таваккалчилиги;»;

ўн биринчи хатбоши ўн иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 2-бандда:

қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«риэлторлик фаолияти соҳасида таваккалчиликларни, шунингдек уларни камайтириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва баҳолаш;»;

тўртинчи хатбоши бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 3-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«риэлторлик ташкилотлари фаолияти доирасида таваккалчиликларни аниқлаш, баҳолаш ва камайтириш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш.»;

г) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасига (бундан буён матнда Давлат рақобат қўмитаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитасини» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитасини» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

д) 7-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат қўмитаси» деган сўзлар «Давлат рақобат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 8-бандда:

қуйидаги мазмундаги бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«ички назорат тизимини ташкил этиш бўйича ва Давлат рақобат қўмитаси, Департаментнинг ваколатли вакиллари, шунингдек ташкилотнинг ички аудит хизмати ходимлари ва ташки аудиторлар томонидан олиб борилган текширувлар давомида риэлторлик ташкилоти фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мониторингни амалга оширади;»;

бешинчи хатбоши олтинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

ж) 10-бандда:

қуйидаги мазмундаги ўнинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терро-

ризмни молиялаштириш бўйича ўз таваккалчиликларини аниқлаш ва баҳолаш бўйича тегишли чора-тадбирларни кўриш, ушбу таваккалчиликларни хужжатлаштириш ва уларни камайтириш чора-тадбирларини кўриш.»;

ўнинчи хатбоши ўн биринчи хатбоши деб ҳисоблансин;

з) 12 ва 30-бандлардаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитаси» деган сўзлар «Давлат рақобат кўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

и) 13-банддаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш давлат кўмитасига» деган сўзлар «Давлат рақобат кўмитасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

к) 14-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«14. Риэлторлик ташкилотлари:

иш муносабатлари ўрнатилганда;

кўчмас мулк олди-сотдиси битимларини амалга ошириш бўйича хизматлар кўрсатилганда;

энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 500 баравари миқдоридан ортик бўлган бир марталик операциялар амалга оширилганда;

олиб борилаётган операцияларнинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадларига алоқадор эканлигига ҳар қандай шубҳа мавжуд бўлганда;

идентификациялаш учун аввал олинган маълумотларнинг аслийлиги ва ишончлилигига шубҳалар мавжуд бўлганда мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар кўрадилар.

Мижозларни лозим даражада текшириш бўйича чора-тадбирлар сотувчи ҳамда сотиб олувчига нисбатан, шунингдек аввалдан мавжуд бўлган мижозларга нисбатан ҳам ўтказилиши лозим.

Агарда операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатларда ёхуд оффшор ҳудудларда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлганда риэлторлик ташкилотлар мижозларни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларини кўришлари лозим.»;

л) қуйидаги мазмундаги 14¹-банд билан тўлдирилсин:

«14¹. Мижозни лозим даражада текширишнинг кучайтирилган чора-тадбирларига қуйидагилар киради:

мижоз ҳақида қўшимча маълумотлар (фаолият тури, активлар миқдори, очиқ маълумотлар базаси орқали олиш мумкин бўлган маълумот ва бошқалар) олиш ва мижоз ёки бенефициар мулкдор бўйича маълумотларни янада тезроқ янгилаб бориш;

мижоздан унинг пул маблағлари манбалари ёки молиявий ҳолатининг манбаси ҳақида маълумот олиш;

режалаштирилган ёки ўтказилган операцияларнинг сабаблари тўғрисида маълумотлар олиш;

қўшимча текширишни талаб қиладиган операциялар (битимлар) хусусиятини аниқлаш ҳамда текширишларнинг сони ва кетма-кетлигини ошириш

йўли билан иш муносабатларининг кучайтирилган мониторингини амалга ошириш.»;

м) қуйидаги мазмундаги III¹ боб билан тўлдирилсин:

«III¹. Таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолаш

20¹. Риэлторлик фаолиятини амалга ошираётган ташкилот мижозлар томонидан жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш ёки терроризмни молиялаштириш мақсадида операцияларни амалга оширилишида таваккалчилик даражасини (бундан буён матнда таваккалчилик даражаси деб юритилади) аниқлаш, баҳолаш ва камайиштириш чора-тадбирларини кўриши шарт.

Таваккалчилик даражаси мижоз тақдим этган ахборот асосида, амалга оширадиган операциялар турлари, мазкур Қоидаларда белгиланган мезонлар, мижозни лозим тарзда текшириш натижалари ҳамда бошқа керакли маълумотларни ҳисобга олган ҳолда масъул ходим томонидан ҳар йили аниқланади ва баҳоланади.

Таваккалчиликларни баҳолаш натижалари ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда Департамент ёки Давлат рақобат қўмитасига тақдим этилиши лозим.

20². Таваккалчиликнинг юқори даражаси тоифасига риэлторлик ташкилоти аввалдан қуйидаги мезонларга эга бўлган мижозларни тегишли деб топиш ва уларга нисбатан кучайтирилган эътиборни қаратиши лозим:

террорчилик фаолиятида иштироки ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган шахсларнинг назорат остида эканлиги ёхуд террорчилик фаолияти билан шуғулланаётган ёки шуғулланишда гумон қилинаётган ташкилотнинг бевосита ёки билвосита мулкдори ёхуд уни назорат қилувчи эканлиги тўғрисида маълумот мавжуд бўлган шахслар;

жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда ёхуд оффшор ҳудудда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахслар;

норезидентлар;

жойлашган жойи таъсис ёки рўйхатга олиш ҳужжатларида кўрсатилган маълумотлардаги манзилга тўғри келмайдиган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

фаолият даври молиявий йилнинг бир чорагидан ошмайдиган ташкилотлар ва якка тартибдаги тадбиркорлар;

ҳақиқий эгаси ушбу банднинг иккинчи ва учинчи хатбошиларида кўрсатилган шахс бўлган ташкилотлар;

мунтазам равишда (кетма-кетлиги уч ой мобайнида икки мартадан ортиқ) шубҳали операцияларни амалга ошираётган мижозлар;

масъул ходимда асосли шубҳа уйғотадиган молиявий операцияларни амалга оширувчи бошқа шахслар.

20³. Мижоз томонидан амалга ошириладиган операцияларнинг тавсифи

ўзгаришига қараб, риэлторлик ташкилоти зарур бўлганда у билан ишлаш бўйича таваккалчилик даражасини қайта кўриб чиқиши лозим.

Риэлторлик ташкилотлари барча мураккаб, ғайриоддий йирик операцияларга, шунингдек аниқ иқтисодий ёки қонуний мақсадга эга бўлмаган операцияларни амалга оширишнинг ғайриоддий схемаларига кучайтирилган эътибор қаратилиши керак.

Амалга оширилган чора-тадбирлар ҳақида маълумот риэлторлик ташкилоти раҳбариятига тақдим этилиши лозим.

20⁴. Риэлторлик ташкилоти жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштириш мақсадида технологик ютуқлардан фойдаланилишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни кўришлари керак. Бу мақсадларда риэлторлик ташкилоти:

хизматларнинг янги турлари ва янги иш амалиёти ишлаб чиқилиши; янги ҳамда амалдаги хизмат турларида янги ёки ривожланаётган технологиялардан фойдаланиш натижасида вужудга келиши мумкин бўлган таваккалчилик даражасини аниқлаш ва баҳолашлари лозим.

Бундай таваккалчиликнинг баҳоланиши хизматларнинг янги турлари, янги иш амалиётининг ишга туширилиши ёхуд янги ёки ривожланаётган технологияларни фойдаланишга туширишдан аввал ўтказилиши лозим.

Риэлторлик ташкилоти бундай таваккалчиликларни мониторинг қилиш ва уларни камайтириш учун тегишли чора-тадбирларни кўришлари зарур.»;

н) 21-бандда:

ўн иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

ўн учинчи — ўн тўққизинчи хатбошилар тегишлича ўн иккинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

о) қуйидаги мазмундаги 23¹-банд билан тўлдирилсин:

«23¹. Операциянинг тарафларидан бири жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш соҳасида халқаро ҳамкорликда иштирок этмаётган давлатда доимий яшаётган, турган ёки рўйхатга олинган шахс бўлса, бундай операция Департаментга хабар қилиниши керак.»;

п) қуйидаги мазмундаги 29¹ ва 29²-бандлар билан тўлдирилсин:

«29¹. Масъул ходимнинг фаолиятида фойдаланилган барча ҳужжатлар (Давлат рақобат қўмитаси ва Департамент билан ёзишмалари, шу жумладан юборилган хабарларнинг қоғоздаги ва электрон нусхалари, мижозларнинг қоғоздаги ва электрон анкеталари, журналлар ва ҳ. к.)дан фойдаланилишини чеклаш мақсадида, бундай ҳужжатлар ва уларнинг рўйхати бевосита махсус жиҳозланган хонада ёки ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда ушбу ходим томонидан сақланиши лозим.

29². Ҳужжатларнинг электрон шакллари дастурий усулда архивлаштирилиши, электрон ахборот ташувчи ускуналарга ёзиб қўйилиши ҳамда масъул ходим томонидан уларнинг рўйхати билан биргаликда ёнмайдиган ва муҳрланадиган сейфда сақланиши зарур.».